

**“АТ “АЛОҚАБАНК”
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Тошкент - 2017

I. Умумий қоидалар	3
II. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари	3
III. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатдан ўтказиш	4
IV. Акциядорлар йиллик Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик	5
V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик	8
VI. Умумий йиғилишнинг кворуми	9
VII. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари	10
VIII. Умумий йиғилишни олиб бориш регламенти	12
IX. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси	13
X. Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши	13

Иловалар:

1-илова. Қайд қилиш рўйхати

2-илова. Бюллетень

3-илова. Хабарнома

4-илова. Акциядорнинг акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги таклифи

5-илова. Акциядорнинг навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишининг чақирилиши тўғрисидаги талабномаси

6-илова. Банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш тартиби.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг (кейинги ўринларда «Банк» деб аталади) акциядорлари Умумий йиғилишининг мақомини белгилайди ва унинг ишлаш тартибини, уни ўтказиш ва қарорларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Банк ҳар йили акциядорларнинг Умумий йиғилишини(акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини, кейинги ўринларда «Умумий йиғилиш» деб аталади) ўтказиши шарт.

1.4. Йиллик Умумий йиғилиш банк Устави билан белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан 6 (олти) ой ичида ўтказилади.

1.5. Йиллик Умумий йиғилишда банк Кенгашини ва банк тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, банкнинг йиллик ҳисоботи, банк Бошқаруви ва Кенгашининг банк ривожланиши стратегиясига эришиш бўйича амалга ошириладиган чоралар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар қараб чиқилади.

1.6. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

1.7. Умумий йиғилиш ўтказиладиган санани ва уни ўтказиш тартибини, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартибини, Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини банк Кенгаши қонунчиликка, банк Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ белгилайди.

1.8. Банк барча акциядорларга уларга тегишли бўлган улушлардан, даромадлар даражасидан, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлайди.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва банкнинг Устави билан белгиланади.

2.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувиغا берилиши мумкин эмас.

III. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРNING ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ

3.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи банк акциядорлари реестри маълумотлари бўйича, банк Кенгаши томонидан

белгиланадиган санада тузиладиган акциядорларнинг рўйхати асосида белгиланади.

3.2. Акциядорлар рўйхати банк Кенгаши томонидан тузилади. Акциядорлар рўйхатида ҳар бир акциядорнинг исми (номи), унинг манзили (жойлашган жойи), унга тегишли акциялар сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

3.3. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган маълумотлар асосида тузилади.

3.4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.5. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига, акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига киритилган акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакиллари эга бўлади. Умумий йиғилишга банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, банк аудитори, банк Кенгашини ва банк назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар, банкнинг бош бухгалтери ва бошқа шахслар ҳисобот ва тушунтиришларни бериш мақсадида таклиф қилиниши мумкин.

3.6. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари Умумий йиғилиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.7. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилган ҳолда, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

3.8. Юридик шахс бўлган акциядорнинг вакили Умумий йиғилишда ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан ваколатланган бошқа шахснинг имзоси билан, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган, унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда иштирок этиши мумкин.

3.9. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш асосида қайд этиш рўйхати олиб борилади (1-илова). Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.10. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо қўядилар ва Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб, овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини (2-илова) оладилар.

3.11. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончномани тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалайдиган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига " _____ та" (сони) овоз берувчи акциялар бўйича " _____ " да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.12. Акциялар рўйхат тузилган санадан кейин ва акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши санасигача бошқа шахсга ўтган ҳолларда банк акция олувчининг кўрсатмаларига мувофиқ акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши ва овоз бериш ҳуқуқини таъминлаши керак. Кўрсатиб ўтилган қоида шунингдек акцияларни ўтказишнинг кейинги ҳар бир ҳолатида ҳам қўлланилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАР ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

4.1. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриши банк Кенгаши амалга оширади ва қуйидагиларни белгилайди:

- а) Умумий йиғилиш ўтказилишининг санаси, жойи ва вақти;
- б) Умумий йиғилишнинг кун тартиби;
- в) Умумий йиғилишда иштирок этиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси;
- г) Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар қилиш тартиби;
- д) Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида акциядорларга тақдим этиладиган ахборотнинг (ҳужжатларнинг) рўйхати;
- е) бюллетенлар билан овоз берилган тақдирда, овоз бериш учун бюллетень шакли ва матни;
- ё) электрон алоқа воситаларидан фойдаланилган тақдирда, уларнинг ёрдамида овоз беришнинг тартиби.

4.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва ҳоказоларнинг) Умумий йиғилиш кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.3. Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) календарь кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) календарь куни аввал банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.5. Банк бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали акциядорларни Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қўшимча равишда хабардор қилишга ҳақлидир.

4.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада ва билдиришномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- а) банкнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва банкнинг электрон почта манзили;
- б) Умумий йиғилишнинг ўтказилиши санаси, вақти ва ўтказиш жойи;
- в) акциядорлар реестрини шакллантириш санаси;
- г) Умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- д) Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.7. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар)га банкнинг

йиллик ҳисоботи, банк тафтиш комиссияси (тафтишчи)нинг ва банк аудиторининг, банкнинг йиллик молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ҳулосаси, банк Кенгаши аъзоларига ва банк тафтиш комиссиясига (тафтишчилар) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, банк Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳасива кун тартибига киритилган масалалар бўйича бошқа ахборот (материаллар) киради. Акциядорларга шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ахборот (материаллар) ҳам тақдим этилади.

4.8. Йиллик Умумий йиғилишнинг кун тартибига доир таклифлар (4-иловада кўрсатилган шакл бўйича) банкнинг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоиз овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар (акциядор) томонидан, банкнинг молиявий йил тугаганидан кейин 45 (қирқ беш) календарь кундан кеч бўлмаган муддатда юборилади. Кўрсатиб ўтилган акциядор (акциядорлар) шунингдек йиллик Умумий йиғилишнинг кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк Кенгашига ва банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси)га номзодларни кўрсатишга ҳақлидир, уларнинг сони банк Уставида белгиланган ушбу органларнинг миқдорий таркибидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.9. Умумий йиғилишнинг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

4.10. Банк Кенгашига ва банк тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, (башарти номзод банк акциядори бўлса) унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.8.-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.12. Акциядор (акциядорлар) киритган масала Умумий йиғилишнинг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар банк Кенгашига ва банк тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 4.8.-бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;

б) акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 4.8.-бандида назарда тутилган миқдордаги банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

в) банкнинг сайланадиган органларига кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

г) таклифлар қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.13. Банк Кенгашининг масалани Умумий йиғилишнинг кун тартибига ёки номзодни банк Кенгашига ва банк тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги далил-исботли қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан 3 (уч) иш куни ичида юборилади.

4.14. Банк Кенгашининг масалани Умумий йиғилишнинг кун тартибига ёки номзодни банк Кенгашига ва банк тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ИТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши банк Кенгашининг қарори билан:

- а) унинг ўз ташаббусига биноан;
- б) банк тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра;
- в) талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби (5-илова) билан ўтказилади.

5.2. Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш банк Кенгаши томонидан навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талаб тақдим этилган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилади.

5.3. Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

5.4. Банк Кенгаши банк тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган навбатдан ташқари Умумий йиғилиш кун тартибидеги масалаларнинг таърифига ўзгартиришларни киритишга ҳақли эмас.

5.5. Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш талабномаси навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Банк тафтиш комиссияси ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10(ўн) кун ичида, банк Кенгаши навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

5.8. Банк тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, башарти:

а) навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) банк овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизи эгаси бўлмаса;

б) навбатдан ташқари Умумий йиғилиш кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам Умумий йиғилишнинг ваколатларига кирмаса;

в) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги далил-исботли қарори қабул қилинган пайдан эътиборан узоғи билан 3 (уч) иш куни ичида йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

5.10. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

5.11. Банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласи кўрилганда, навбатдан ташқари Умумий йиғилиш ушбу Низомнинг 6-Иловасига мувофиқ бўлган тартибда чақирилади.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) деб ҳисобланади.

6.2. Агар имтиёзли акциялар кун тартибининг фақат битта ёки бир нечта масалалари бўйича овоз берувчи бўлса, Умумий йиғилишнинг кворуми тақдим этилган оддий акциялар сонига қараб белгиланади, кўрсатилган масалалар бўйича овозларни санаш эса овоз берувчи оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

6.3. Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаса, янги такрорий Умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий Умумий йиғилишни ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

6.4. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига чақирилган такрорий Умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу Умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

6.5. Акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Умумий йиғилишнинг ўтказилиши учун кўзда тутилган муддатларда ва шаклида амалга оширилади.

6.6. Кворум бўлмаганлиги сабабли Умумий йиғилишни ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

6.7. Акциядорлар Умумий йиғилишнинг овоз беришга қўйилмаган масалалар бўйича қарорлари, Умумий йиғилишда иштирок этувчи банкнинг овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар овозларининг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) билан қабул қилинади.

6.8. Умумий йиғилишда овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш, овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

6.9. Қонунчиликда кўзда тутилган масалалар бўйича қарор Умумий йиғилиш томонидан акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.10. Умумий йиғилишда овоз бериш «банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» қондасига мувофиқ ўтказилади.

6.11. Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

6.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс эттирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.

6.13. Умумий йиғилишда иштирок этган шахс ўзи томонидан тўлдирилган бюллетеннинг нусхасини олиш ва ўзига берилиши ҳуқуқига эга. Ушбу нусха бундай шахснинг ҳисобига тайёрланади. Нусхани тайёрлаш учун ҳақ уни тайёрлашга кетган харажатлардан ортиқ бўлмаслиги лозим.

6.14. Жамият акциядорлар ўртасида улар томонидан овоз бериш пайтида ягона позициясини шакллантириш учун самарали мулоқот яратилишига кўмаклашади.

VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар Умумий йиғилишнинг ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Умумий йиғилишнинг раёсати ва Раиси Умумий йиғилиш томонидан сайланади. Бунда Умумий йиғилишнинг раёсати таркибига лавозимига кўра Банк Кенгашининг Раиси киради.

7.3. Умумий йиғилишнинг Раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунда у ўз вазифаларини тегишли тартибда бажариши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилишнинг Раиси Умумий йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилишнинг иш органлари ишлашини мувофиқлаштиради, унинг регламент асосида ўтказилишини таъминлайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Умумий йиғилишнинг Раиси Умумий йиғилишнинг баённомасини ва қарорини имзолайди.

7.6. Умумий йиғилишнинг Раисибанкнинг Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомни ҳисобга олган ҳолда Умумий йиғилишнинг аудио- ва видеотрансляцияси, Интернет тармоғида трансляцияси ҳақида қарор қабул қилади.

7.7. Овозларни санаб чиқиш, Умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун банк Кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилади, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

7.8. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан кам бўлиши мумкин эмас. Саноқ комиссиясига банк Кенгашининг аъзолари, банк тафтиш комиссияси аъзолари, банк Бошқарувининг аъзолари кириши мумкин эмас.

7.9. Саноқ комиссиясининг таркибига қимматли қоғозлар бозорининг касбий иштирокчилари, яъни профессионал иштирокчилар жалб қилиниши мумкин.

7.10. Саноқ комиссияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш масаласида мустақил фаолият юритувчи Умумий йиғилишнинг иш органи ҳисобланади ва банк Кенгашининг таклифига кўра Умумий йиғилиш томонидан сайланади.

7.11. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у Умумий йиғилиш томонидан сайланган вақтидан бошлаб, тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) Умумий йиғилиш томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) вақтигача ҳисобланади.

7.12. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида, олдинги акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси банк Кенгашининг топшириғига биноан қуйидаги функцияларини амалга оширади:

а) Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузади;

б) овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради;

в) Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказди;

г) ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

д) овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа ахборотини (материалларини) беради;

е) Умумий йиғилишнинг кворуми мавжудлигини белгилайди.

7.13. Таркиби бўлиб ўтаётган акциядорлар Умумий йиғилишининг давомида тасдиқланган саноқ комиссияси:

а) овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

б) овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиши ҳуқуқини таъминлайди;

в) овозларни санайди ва овоз бериш якунларини эълон қилади;

г) овоз беришнинг якунлари тўғрисида баённома тузади;

д) овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.14. Умумий йиғилиш котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

7.15. Котибиятнинг таркибини аниқлаш, саноқ комиссиясининг аъзоларини тайинлаш бўйича қўйиладиган талабларга айнан ўхшаш талаблар қўйилади.

7.16. Умумий йиғилишнинг котибияти:

а) Умумий йиғилишнинг боришини баённомада қайд этади;

б) Умумий йиғилишнинг тугаганидан кейин 10 (ўн) кундан кеч бўлмаган муддатда акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомасини 2 (икки) нусхада тузади.

VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ РЕГЛАМЕНТИ

8.1. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби Умумий йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этишини

ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартибининг масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди.

8.2. Умумий йиғилишнинг давомида пайдо бўладиган жорий масалаларни Раис бош тамойилдан: ҳар бир иштирокчининг муҳокама қилинаётган масала бўйича Умумий йиғилишда белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, яккабошчилик асосида ҳал этади.

8.3. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, Умумий йиғилишга муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда мурожаат қилади.

8.4. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилинганидан кейин Раис Умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING БАЁННОМАСИ

9.1. Умумий йиғилишнинг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) Умумий йиғилишнинг ўтказилган сана, жойи ва вақти;
- б) банкнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони;
- в) Умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
- г) Умумий йиғилишнинг Раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби;
- д) нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, умумий йиғилиш қабул қилган қарорлар.

9.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси Умумий йиғилишнинг Раиси ва котиби томонидан имзоланади.

9.3. Санок комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади, ҳамда Умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

9.4. Умумий йиғилишнинг баённомаси имзоланганидан кейин санок комиссияси Умумий йиғилишнинг ҳужжатларини, шу жумладан Умумий йиғилишнинг қайд этиш рўйхатини, санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланган муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённомаларни ва акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомасини сақлаш учун банк архивига топширади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

10.1. Умумий йиғилишнинг қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти Умумий йиғилишнинг қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса, банк Кенгаши амалга оширади.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджизадаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларининг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
1-илова

АТ «Алоқабанк» акциядорларининг
_____ йил _____ да ўтказилган Умумий йиғилишининг қайд этиш
рўйхати

№	Акциядорнинг фамилияси, исми, ота исми (номи)	Шахсий ҳисобварағининг рақами	Овоз берувчи акцияларининг сони	Акциядорнинг имзоси	(вакил мавжуд бўлганда тўлдирилади)				
					Вакилнинг фамилияси, исми, ота исми (номи)	Ишончнома рақами	Ишончноманинг берилган санаси	Овоз берувчи акцияларининг сони	Вакилнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган иштирокчилари ____ киши, овоз берувчилар _____.

Кворумнинг мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____ %.

Санок комиссияси аъзоларининг имзолари

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларининг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
2-илова

«Тасдиқлайман»
Акциядорлик тижорат
«Алоқабанк» КенгашиРаиси

(имзо, фамилиясива исми-шарифи)
201 ____ йил « ____ » _____

АТ «Алоқабанк» _____
Акциядорлар Умумий йиғилишининг (йиллик, навбатдан ташқари)
кун тартибига киритилган масалалар бўйича
ёзма тарзда овоз бериш
БЮЛЛЕТЕНИ № _____

_____, акциялар сони _____ дона
(акциядорнинг номи),

№	Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартиби	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
...				
...				

Фамилияси, исми-шарифи

ИМЗО

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларининг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
3-илова

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРИГА

_____ (акциядорнинг номи ёки исми)

ХАБАРНОМА

Сизни _____ да
(жойлашган манзил)

201__ йил “__” _____ куни, соат _____ да бўлиб ўтадиган АТ «Алоқабанк»
акциядорларининг _____ Умумий йиғилишига
таклиф этамиз. (йиллик, навбатдан ташқари)

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
- ..
- ..

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати
201__ йил «__» _____ даги ҳолатига тузилади.

Банк акциядорларини ва йиғилишиштирокчиларини қайд этиш 201__
йил “__” _____ куни соат _____ дан соат _____ гача ўтказилади. Акциядорлар
ҳисоботлар ва қўшимча маълумотлар билан _____
манзилида жойлашган АТ «Алоқабанк»нинг бош офисида танишиб чиқиши
мумкин.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан, ҳамда
уларнинг вакиллари билан белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан
келишлари сўралади.

Ҳурмат билан,
Банк Кенгашининг Раиси

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларининг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
4-илова

Акциядор _____
акциядорнинг номи ёки исми

**Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига масаланинг
кiritилиши тўғрисида таклифи**

Талабноманинг мазмуни (таклиф)

Акцияларининг умумий сони _____

Шу жумладан овоз берувчи акцияларнинг сони _____
(озов берувчи акцияларнинг умумий сонидан камида 1 %)

(ташкilotнинг номи)

Ф.И.Ш. _____
(имзо, сана)

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларнинг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
5-илова

**АТ «Алоқабанк»
Акциядорнинг _____
навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишининг чақирилиши
тўғрисида талабномаси**

Талабноманинг мазмуни

(навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишини чақириниғ сабаби)

Акцияларнинг умумий сони _____

Шу жумладан овоз берувчи акцияларнинг сони _____
(озов берувчи акцияларнинг умумий сонидан камида 1 %)

(ташкilotнинг номи)

(Ф.И.Ш. имзо)

(сана)

АТ «Алоқабанк»
Акциядорларнинг Умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
6-илова

**Банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш учун
навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилишини
ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Банк Кенгашининг фаолиятини муддатидан илгари тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) банк Кенгашининг қарори;

б) банк тафтиш комиссиясининг талаби;

в) талаб қўйилаётган санада банкнинг камида 5 (беш) фоиз овоз берувчи акциялари эгаси ҳисобланган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби.

3. Қуйидагилар кўрсатилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаби ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, Уставга, акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорларига риоя қилмаслик;

б) банкка зарар етказилганлиги, акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказилганлиги;

в) банкнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгиларининг мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлишининг хавфи, давлат бюджети олдида, ходимларга иш ҳақини тўлаш бўйича, бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги барқарор қарздорлик.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги талаби банк Кенгашига берилади, ва унда аниқ сабаблари, ҳамда уларнинг асосланганлиги кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар кўрсатилган бўлиши лозим.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари, кун тартибига банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш ҳақидаги алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини йиғилишнинг кун тартибига киритиш фаолият юритаётган банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилганидан сўнггина Умумий йиғилишда амалга оширилади.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядордан (акциядорлардан) тушган ҳолларда, унда уларга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг чақирилишини талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) фамилияси, исми, отасининг исми (номи) бўлиши керак.

8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

9. Банк Кенгаши навбатдан ташқари Умумий йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар ифодаланишига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этилган вақтдан бошлаб кечи билан 10 (ўн) кун ичида унинг чақирилишини таъминлашга ёки унинг чақирилишини рад этиш тўғрисида асослантирилган қарорни тақдим этишга мажбурдир.

10. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги қарори ёки унинг чақирилишини рад этиш тўғрисида асослантирилган қарори, унинг чақирилишини талаб қилган шахсларга қабул қилинган вақтдан бошлаб кечи билан 3 (уч) иш куни ичида юборилади.

11 Банк Кенгашининг навбатдан ташқари акциядорлар Умумий йиғилишининг чақирилишини рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджизадаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев

Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова

Бошқарув аъзолари:

Ж. Эгамбердиев

Ш. Бахриддинов

Х. Рахматов

Х. Бурунов

Ш. Искандаров

А. Абдукахаров

Методология бўлими

бошлиғи в.б.

Ю. Махкамова